

БУГУН СПОРТ МАВСУМИ БОШЛАНАДИ

Физкультура ва спортнинг янги муваффақиятлари сари!



Суратда: В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети геология факультетининг II курс студенти комсомол а'зоси Игорь Поляков тренери ўртоқ Н. А. Зандишвили (чапда) раҳбарлигида «Спартак» стадионида ядро ир-титишни машқ қилмоқда. Кўп кураш бўйича республика чемпиони Н. Борисов («Динамо» спорт жамияти) машқ устида. К. Розинков ва В. Сироткин фотолари.



Командамиз зўр синовлар олдида

Бизнинг «Спартак» командамиз бу йилги спорт мавсумида ҳам СССР биринчилиги учун «Б» классини бўйича мусобақаларда қатнашади. Бу мусобақаларда яхши натижаларга эришиш учун пухта тайёргарлик қўриш керак эди. Биз ана шундай қилдик. Январа ойида оқозарий ва амалий машгулотларни қизғин бошлаб юбордик.

Командамизда 18 спортчи бўлиб, булардан 5 киши ўзбек йигитларидир. Бу йилги командамизнинг ўзига хослиги шундаки, унинг кўпчилиги а'золари ёшлардан иборатдир. Булар ичидан Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети, Молотов номидаги Тошкент медицина институти, Ўрта Осиё политехника институти ва бошқа олий ўқув юртиларининг студентлари ҳам бор. Улар ўз ўқинишларини муваффақиятли давом эттириш билан бирга, спорт машгулотларида ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Командамиз ҳарқандай об-ҳаво шaroитларида ҳам мунтазам равишда машгулотлар ўтказиб турди. Бунинг натижасида март ойида бўлиб ўтган 3 та ўртоқлик учрашувларида бизнинг команда ғолиб чиқ-

ди. Энг яхши ўқинчилардан К. Муқимов, Л. Мақсудов, В. Виталов ўртоқлар машгулотларида актив қатнашиб, команда шон-шарафига учун астойдил курашмоқдалар. Биз бу йилги мусобақаларда «Спартак» (Ереван), «ОД» (Тбилиси), «Нефтяник» (Волж), «Авангард» (Челябинск) каби 11 та футбол командалари билан учрашамиз. Шу йил 18 апрельда Тошкент шаҳрида «Авангард» (Свердлов) командаси билан «Б» классда СССР биринчилиги учун дастлабки учрашув бўлади. Навбатдаги учрашувлар 23 апрель ва 1 майда Челябинск ва Молотов шаҳар командалари билан бўлади. Сўнгра командамиз Новосибирск, Олмаота, Фрунзе ва бошқа шаҳар командалари билан учрашади.

Биз учрашадиган командаларнинг кўпчилиги бирмунча тажрибали эди. Ленин шунга қарамай биз бўлажак мусобақаларда бор имкониятдан фойдаланиб, республика спорт шарафига ошариш учун ҳаракат қиламиз.

Н. ФЕДОРЧЕНКО,
Тошкент «Спартак» футбол коман-
дасининг тренери.

Машқ ва рекорд

1954 йил энгил атлетика мавсуми бешинчи учун қувончли натижалар билан бошланди. Мен республика биринчилиги учун кўнглили спорт жамиятлари ўртасида ўтказилган дастлабки мусобақаларда шест блан 4 метр баландликка сакраб, республикада янги рекорд қўйдим. Мен бунга бутун қиш бўйи тренерим ўртоқ Н. Н. Витков билан ҳамкорликда ўзоқ вақт ва сабот билан тренировка қилганим туфайли эришдим.

Шест блан сакраш энгил атлетиканинг бирмунча мураккаб турларидан ҳисобланади. Мана шу хилдаги сакраш блан шугулланувчи ҳарбир спортчи ҳам кучли, ҳам қаққон бўлиши керак.

Мен бутун қиш давомида ҳафтада тўрт марта бевосита энгил атлетика машқлари билан ва икки марта спорт гимнастикалари билан тренировкалар ўтказиб турдим.

Ўз машгулотларимни қат'ий план асосида қилиб бориб, дастлавл 10—15 минут аста-секин югуриб, сўнгра турли йўллар билан сакрадим. Шу хилдаги 4—5 машдан кейин зал бўйлаб қопиб ва ниҳоят, сакрашга ҳозирланаётган пайтда ҳаракат тезлигини яхшиладим. Булардан ташқари, югуручилар плани асосида ҳам кўпгина машқлар ўтказдим.

Қишда яхши тренировкалар ўтказиб блан, ёнги машгулотларга ўзини дўхта таёйрладим.

Бўлажак мусобақаларда янада юксакроқ натижаларга эришмоқчи иштиёқ билан ўз малакамни тинмай такомиллаштириб, шу кунларда ҳам қўнғ ва сабот билан тренировкалар ўтказмоқдаман.

Лазарь МОИСЕЕНКО,

Низомий номидаги Давлат педагогика институти физкультура факультетининг IV курс студенти.

Ёш боксчилар мусобақаси

Тошкентда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида бокс бўйича командалар шахсий биринчилиги учун кўн давом этган мусобақа тугади.

1954 йил командалар биринчилиги та чемпионлик унвонини олиш учун шаҳардаги «Динамо», «Локомотив», «Спартак», «Буревестник» ва бошқа спорт жамиятларидан 130 га яқин ёшлар ва ўсмирлар иштирок қилдилар.

Командалар биринчилиги учун бўлган мусобақада спартакчилар ғолиб чиқдилар. Иккинчи ўринни «Локомотив» командаси

ва учинчи ўринни динамовчилар эгалладилар. Мусобақада яхши натижаларга эришган Незамов, Тюрин, («Спартак»), Хайдулин, Килский («Локомотив»), Месяченко («Буревестник») ва бошқаларга бокс бўйича шаҳар чемпиони унвони берилди.

Мусобақада ғолиб чиққан «Спартак» командасига шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими физкультура ва спорт секторининг кўчма мукофоти ва биринчи даража дипломи топширилди. Чемпионлар эса қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Бугун Тошкент спорт базаларида

«ПИШЧЕВИК» СТАДИОНИДА

Соат 9.00. ФУТБОЛ. Ёшлар командасининг блиц-турнири ва 11х100 метрга югуриш эстафетаси.

«ДИНАМО» СТАДИОНИДА

Соат 9.00. ФУТБОЛ. Биринчи командаларнинг блиц-турнири ва 11х100 метрга югуриш эстафетаси.

Соат 12.00. ГОРОДКИ. «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг мукофоти учун спорт жамиятларининг мусобақаси.

Соат 14.00. ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Спорт мавсумининг очилиш маросими мукофоти учун республика ва Тошкент шаҳрининг кучли спортчилари иштирокда эрлар ва аёллар командаларининг, шунингдек ўғил ва қиз болаларининг шахсий мусобақада югуриш эстафетаси. Соат 18.00. ФУТБОЛ. Тошкент «Спартак» ва Челябинск «Авангард» «Б» класс бўйича команда мастерларининг ўртоқлик учрашуви.

«СПАРТАК» СТАДИОНИДА

Соат 14.00. БОКС. «Спартак» стадиони мукофоти учун спорт жамиятларининг ва физкультура коллективларининг мусобақаси.

«МЕДИК» СТАДИОНИДА

Соат 9.00. ФУТБОЛ. Болалар командасининг блиц-турнири ва 11х100 метрга югуриш эстафетаси.

Соат 11.00. ТЕННИС. Республика спартакда программасида спорт жамиятларининг мусобақаси.

ТЕМИРЎҒИЛЧАР ПАРКИДА

Соат 10.00. ВОЛЕЙБОЛ. Спорт мавсумининг очилиш маросими мукофоти учун энг кучли эрлар ва аёллар командаларининг блиц-турнири.

Пойтахт спортчиларининг

ғалабаси

Яқинда Тошкентда «Локомотив» кўнглили спорт жамиятининг залида қилиб-бозлик бўйича командалар ўртасида республика биринчилиги учун катта мусобақа бўлиб ўтди. Беш кун давом этган бу мусобақада «ТОДО» (Тошкент Округ Осиерлар Уйи) спорт клуби, «Спартак», «Наука», «Динамо», «Искра» ва «Меҳнат резервлари» кўнглили спорт жамиятларининг 70 дан ортиқ спортчилари қатнашдилар.

Ёшлар ўртасида рапира бўйича ўтказилган мусобақада К. Абдуллаев (ТОДО), эскилар бўйича Э. Оландер (ТОДО), қизлар ўртасида И. Колотилова, аёллар гуруписи бўйича И. Колотилова яхши натижаларга эришиб, 1954 йил учун республика чемпиони унвонини олишга муваффақ бўлдилар.

Эрлар ўртасида рапира ва штик бўйича ўтказилган мусобақада Д. Янченко («Динамо»), оскандор бўйича И. Гудков («Динамо»), шпага бўйича В. Гавсон («Наука») ютиб чиқдилар. К. ДУСМАТОВ.

Спорт маҳоратини янада ошириш учун

Бугун Тошкентда ёшги спорт мавсуми очилди. Пойтахтининг стадионларида, спорт майдонларида энг кучли спортчилар мусобақа байроғини кўтардилар. Бу — Тошкент ёшларининг оқимали спортни янада ривожлантиришлари, спортчиларнинг янада янги спорт муваффақиятларига эришишларининг бошланғичидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнатчилар жамиятини тарбияси ҳақида кўрсатаётган асосий қисмида жаваб Тошкент физкультурачилари ва спортчилари 1954 йил ёшги спорт мавсумини янги муваффақиятлар билан кутиб олмақдалар. Ўн мингларча йигит ва қизлар I ва II босқич ГТО значкоғи норма топширдилар. 6 мингдан кўпроқ спортчилар Бутунитифок ягона спорт классификацияси нормасини кўтардилар, шу жумладан 245 киши биринчи спорт разряди нормасини бакарди. Шаҳарда физкультура коллективларининг сони тобора ортиб бормоқда. Бу коллективларда беш талантили спортчилар етиштирилмоқда. Тошкент спортчилари 1953 йилда спортнинг ҳақил турлари бўйича 53 марта рекорд қўйдилар.

Шаҳар физкультура ташкилотларининг 1954 йилги спорт тадбирлари юзасидан тузган календарь планлари бўйича 1953

йилга қараганда анча кўп мусобақалар ўтказилди. Бу йил район спартакчаларида, фабрика-завад спартакчаларида, шаҳар спартакчаларида ва шаҳар биринчилиги учун спортнинг ҳарик турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда 100 мингдан ортиқ физкультурачилар ва спортчилар қатнашди.

Тошкент спортчилари Ўзбекистон ССР спартакчаларида спартакчада программасига киритилган спортнинг барча турлари бўйича мусобақаларда ғалаба қозониш учун тренерлар спортнинг барча турлари бўйича ўз планларини қайта кўриб чиқишлари, ўз машгулотларига масулият билан қарашлари, терма командалар составида мобилиятли ёшларни кўпроқ жалб қилишлари, спортчиларнинг ўз маҳоратларини оширишларида тренировканинг илғор методларидан фойдаланишларида ёрдам беришлари керак.

Сифатли спорт базаларининг бўлиши ва бу базаларда етарли миқдорда спорт инвентарларининг бўлиши — спорт маҳоратини оширишнинг асосий шарҳларидир. Азимо Тошкентдаги спорт майдончалари ва стадионлар талаба тула жавоб берадими. Кўпгина ўқув-тренировка ишлари яхши тайёрланмаган жой-

ларда ўтказилди. Ҳатто стадионларда ҳам керакли инвентар ва спорт асбоблари етишмайди. Спорт базалари мусобақа ўтказишга етарли даражада тайёрлар қўрмайдилар. Физкультура ташкилотлари, спорт базаларининг раҳбарлари бу камчиликларни ўз нақтида бартараф қилиш учун барча чораларни қўришлари керак.

Спорт жамиятларининг раҳбарлари ва спорт базаларининг директорлари мавжуд спорт базаларининг теъдда мукамал қилиб жиҳозлашлари ва янги спорт базалари қуришга дарҳол киришишлари керак. Бу Тошкентда физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш учун имконият беради.

1954 йил ёшги спорт мавсуми очилди. Биз Тошкент спортчилари бу мавсумда янада катта муваффақиятларга эришиш ва янги-янги рекордларни қўлга киритишларини тилаймиз.

Физкультура ташкилотлари ва спортчилар бу спорт мавсумида спортни меҳнатчилар оmmas орасида кенг тарқатиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

А. БЕРЕЗОВСКИЙ,

Тошкент шаҳар физкультура секторини спорт та'лими бўлимининг бошлиғи.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг тўртинчи с'езди

БЕРЛИН. 1 апрель. (ТАСС). ГВСП (Германия Бирлашган социалистик партияси) 4-чи с'ездининг бугун кечки мажлиси Германия Демократик Республикасининг юстиция министри Хилда Беняминнинг нутқи билан очилди. Бенямин Германия Демократик Республикасида суд ҳалқ манфаатларини қўриқлаётган суд эканлигини ва суд қилиш демократик характерда эканлигини та'кидлади. У, суд органларининг ишини яхшилаш зарурлигини ўқтириб ўтди.

Шундан кейин, Польша Бирлашган ишчи партияси Сийёси бюросининг а'зоси Ф. Южвик (Витольд)га сўз берилди. У Германия Бирлашган социалистик партиясининг 4-чи с'ездини Польша Бирлашган ишчи партияси номидан табриқлади. С'езд қатнашчилари поляк халқининг ақолини самийи табриқладилар. Поляк халқининг вакили поляк ва немис халқлари ўртасидаги дўстликнинг тобора мустақимлашганлигини тўғрисида гапирди.

ГВСП Марказий комитети Сийёси бюросининг а'зоси В. Штоф ўз нутқида бундай деди: Германия Демократик Республикасининг Габрий Германияга ва Габрий Берлинга қониб кетган капиталистлар ва юнкерлар жоусу ва диверсантлар юбориш йўли билан, саботаж уюштириш йўли билан ўзларининг аввалги ҳуқуқронликларини тиклашга қаратилган ва, Германия Демократик Республикасининг тинч қурилишга ҳалокат беришга қаратилган беҳуда уринишларида ҳечқандай воситалардан ҳазар қилмайдилар. Германия иқтисоди бўлининг бир шароитида бунга эътибор қилиш керак. В. Штоф партия а'золарини меҳнаткашларни юксак ишчи оқимлиги руҳида ва ишчи-деҳқонлар давлатига чексиз садқот руҳида тарбиялашга қаратди. Ишчи-деҳқонлар давлатида халқнинг манфаатлари ҳақнарсдан аэиздир.

Шундан кейин, Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитетининг Германия Бирлашган социалистик партияси 4-чи с'езидига юборган табриқ телеграммаси ўқиб эшиттирилди.

С'езд қатнашчилари томонидан самийи кутиб олинган Ю. Дюрин 4-чи с'езиди Чехословакия Коммунистик партияси номидан табриқлади.

Кечки мажлисда Озод немис қасаба союзулари бирлашмасининг раиси К. Варнке, Эрнст Виллемс (Росток), Г. Платте (Мансфельд) ва бошқалар ҳам сўзладилар.

БЕРЛИН. 2 апрель. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси 4-чи с'ездининг бугун эрталабки мажлисида ГВСП Марказий комитетининг ҳисобот доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Мажлис бошланган чоқда раислик қилувчи Бразилия Коммунистик партиясининг табриқномасини ўқиб берди ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети кўнғир саноати учун керакли машиналарни ГВСПнинг 4-чи

с'езидига совға қилиб юборганлигини билдирди. У шу кунгача с'езд номига турли ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахслардан 3.180 табриқ телеграммаси олинганлигини ҳам ма'лум қилди.

Клостерфельддаги ёғоч-тахта саноати халқ корхонасининг ишчиси Г. Амман биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, ишчилар ўртасида ва айниқса ёш ишчилар ўртасида партия ишларининг аҳамияти катта эканлигини та'кидлади. У, завожда ёшлар бригадалари тузилганлиги ҳақида сўзлади. Бу бригадаларнинг тузилиши натижасида меҳнат унуми ошган ва махсуслаштирилган сифати яхшиланди.

С'езд қатнашчилари ГВСП Марказий комитети Сийёси бюросининг а'зоси, Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Генрих Раунинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. У, Германия Демократик Республикасининг саноатининг муваффақиятларини та'кидлаб, саноатнинг айрим томоқлари олдига ва, биринчи гада, машинасозлик олдига турган вазифаларни кўрсатди. Генрих Рау Германия Демократик Республикасини меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилаш мақсадида давлат халқ хўжалик планини махсуслаштириш миқдори жиҳатидангина эмас, балки сифати жиҳатидан ҳам бажариш зарурлигини та'кидлади. Сўнгра, Генрих Рау Германия Демократик Республикасининг план органларининг машинасозликнинг турли соҳалари учун йиллик планлар тузишдаги ишларини таъйинди қўздан кечирди.

Совет ҳукумати, — деди Генрих Рау ўз сўзининг охирида, — бошқа давлатлар билан қандай муносабатлар ўрнатган бўлса, Германия Демократик Республикасини биз ҳам шундай муносабатлар ўрнатди, биз бундан хурсандмиз. Бундай муносабат ўрнатилганлиги бизга ишмизни доимо яхшилаш, Германия Демократик Республикасининг демократик тузумини мустақимлаш, Габрий Германия меҳнаткашларининг Бонн ва Париж ҳарбий шартномалари қарши, Германия билан сулҳ шартномаси тузилиши учун олиб бораётган курашларида уларга ёрдамни кўчаптириш маъбудиятини юклайди. ГВСП 4-чи с'езиди олдидида турган катта вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бизга йўл қўраётган беради.

Музокараларда с'езд делегатларидан Карл Лиль, Эрнст Гроссман ва бошқалар ҳам сўзладилар.

Эрталабки мажлисда Венгрия Меҳнаткашлар партияси Марказий комитети Сийёси бюросининг а'зоси ва Марказий комитет секретари М. Фарнаш ва Италия Коммунистик партияси Марказий комитети секретариатининг а'зоси Эдуардо д'Онебро ГВСП 4-чи с'ездини табриқлаб нутқ сўзладилар.

Германия Демократик Республикасининг машина-транспорт станциялари ва халқ ишенишлари коллективларининг делегатлари с'езд қатнашчиларини табриқладилар.

Берлинда совет жангчилари хотирасига ўрнатишга ҳайкал ёлган қўлчилар қўйилди

БЕРЛИН. 2 апрель. (ТАСС). Бугун Берлиндаги Третьов-паркда, Берлинни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасига ўрнатишга ҳайкал ёнига тантанали наизатда гулчамбарлар қўйилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Германия Бирлашган социалистик партияси 4-чи с'езидига қатнашаётган делегатлари «Ватанимизнинг озодлиги ва мустақилиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга шон-шарафлар» деган сўзлар ёзилган гулчамбарни қўйди.

ГВСП 4-чи с'езиди президиуми ва делегатлари номидан, халқ демократияси мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг с'езига келган делегатлари номидан, Франция, Италия, Англия, Греция ва бошқа мамлакатлар коммунистик партиялари делегатлари номидан гулчамбарлар қўйилди.

Корея Халқ Демократик Республикасига хитой халқининг ёрдами

ПХЕНЬЯН. 2 апрель. (ТАСС). Қардош хитой халқи Корея Халқ Демократик Республикасининг меҳнаткашларига катта ёрдам бермоқда. Хитойдан турли йилларда ҳалок бўлган жангчилар билан биргача халқ исте'мол қиладиган моллар ва озиқ-овқат махсуслотлари ҳам кўп миқдорда келиб турганлиги.

Хитойда халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига сайлов

ПЕКИН. 2 апрель. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекинда ва унинг атрофидаги жойларда халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига сайлов таом бўлди. Сайлов икки даражада ўтди. Январ ойининг охирида етти та шаҳар районда, март ойининг охирида қунарларда шаҳар атрофидаги жойларда сайлов тугади.

«Женьминьшяо» газетасининг хабарига қўра, депутат қилиб саноат ва қишлоқ хўжалигининг илгорида, муассаса, корхона ва партия ташкилотларининг раҳбарлари, Хитой Коммунистик партиясининг оидий а'золари ва жамоат арбоблари сайланган.

Чехославакияда бир группа хоинлар ва жосуслар устидан суд

ПРАГА. 2 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: Уст-Лабдада область судида махфий террорчилик ташкилотини а'золари устидан оидий суд таом бўлди. Бу ташкилот темир йўл транспортда кўнорчилик ишлари олиб борган. Группанинг а'золари аҳолини террор остига олганлар, граждандарни ўлдиришга ва давлат тўнгарини ясашга тайёрланганлар. Шу мақсадда улар заҳарли моддалар, қуроқлар, патронлар ва портловчи моддалар запаслари тўплаганлар. Суд қилинувчилар четэллардан душман агентураси билан алоқа боғлаганлар, четэлларга махфий ма'лумотлар топшириб турганлар, душман агентларига бошқома берганлар. Суд қилинувчилар ўз жиноятларига иқро бўлдилар.

Суд террорчи группанинг раҳбари Франтишек Занчикан ўлим жазосига, бошқа 10 айбдорни турли муддат билан турмома жазосига ҳукм қилди.

Хитой Халқ Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида савдо битими имзолади

ПЕКИН. 2 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: 30 мартда Берлинда Хитой Халқ Республикаси билан Германия Демократик Республикасининг ўртасида 1954 йил учун товар айирбошлашлар ва тўловлар ҳақида битим имзоланди. Иккала мамлакат савдо делегатлари ўртасидаги музокаралар дўстона ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Хитой Халқ Республикаси номидан битимни ташқи савдо министрининг ўринбосари Сюй Сюз-хань, Германия Демократик Республикаси номидан — ташқи ишчи савдо министри Грегор имзоладилар.

Битимда кўзда тутилганича, Хитой Германия Демократик Республикасига фойдали қазилмалар, жун, шойи газламалар, мўйна, мева ва бошқа товарлар экспорт қилади. Германия Демократик Республикасини Хитойга товарлик станоклари, кўтарма қранлар, экскаваторлар, юк автомашиналари, велосипедлар, шарикополлиниклар, оптик асбоблари, химикалийлар, ўғитлар, фотоаппаратур, музика асбоблари ва бошқа шу каби товарлар етказиб беради.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

2 апрельда Совет Армияси Марказий Уйининг концерт заллида жаҳон биринчилиги учун шахмат бўйича бўлаётган мусобақанинг кечитирилган саккинчи ўйини давом эттирилди.

Илгари хабар берилганидек бу ёш 40 юрчидан кейин энгил фигуралар саккинчи ҳолда ва оқ доналар билан ўйнаган Ботвинникнинг қўли бирмунча баланд бўлган ҳолда кечитирилган эди. Унинг шох ва ҳар иккала оти рақибининг фигураларига қараганда активроқ ўрнида жойлашган эди. Шу билан бирга, четда туриб қолган қора шохнинг тегишига ўйнай қиришиб кетиши бирмунча мушкулроқ эди.

Виренча юрчидан кейин оқлар марказда йўли оиди пидегага эга бўлди. Ленин шу орада анчагина доналар олаштирилди, ҳар иккала томонда иккитадан фигура ва иккитадан пидега қўхта. Сислов ўйинининг охириги жуذا пухта олиб борди. Тахтда фигуралар жуذا оқ қолганлиги сабабли қораларнинг ўзини ҳимоя қилиш учун ресурслари етарли бўлиб қинди.

50-чини юрчида грессмейстерлар ўйини дурағи қилишга рози бўлишди. Саккинчи ўйиндан кейин мусобақа ҳисоби Ботвинник фойдасига 5:3 бўлди. 3 апрельда Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақасининг тўқинчи ўйини бўлади. Оқ доналар билан Сислов ўйнайди. (ТАСС).

СУД

Ўғрилар жазоланди

Тоҳир Зокиров, Музаффар Тоҳилов ва Тошпўлат Абдуллаевлардан иборат ўғрилар шайхаси ўзаро тил биритириб, шу йил январь ойида кечаси Тошкентдаги Ўтқур проезд, 2-йи тушунда туручи М. Мирзаахмедов деган гражданининг уйига бостириб кирганлар ва узардан пул ва қимматбаҳо буюмларни бериши